

Мархабо АСКАРОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти
кафедраси ўқитувчиси

ҚУРЪОНДА ЙАФФАЪЪАЛУ ВАЗНИДАГИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ГРАММАТИК ИФОДАЛАНИШИ

Юртимизда таълим соҳасида хоссатан, хорижий тилларни ўқитишда янги методларни киритиш билан бирга асрий анъаналарнинг ҳам уйғунлигини кўриш мумкин. Буюк мутафаккир олимларнинг авлодлари сифатида уларнинг хайрли ишларини давом эттириш, ҳозирги араб тили грамматикасини ўрганишдаги янгиликларни киритиш мақсадида мукаддас Қуръони Каримга мурожаат қилинди. Шу ўринда мавзуимиз объекти бўлган, грамматик жиҳатдан янгилик ҳисобланган феълнинг яна бир шакли ҳақида куйидаги оят мисолида кўриб чиқилади.

«يُؤْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُؤْتَ الْحِكْمَةَ فَقَدْ أُوتِيَ خَيْرًا كَثِيرًا وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ»

“У Ўзи хоҳлаган кишиларга ҳикмат (пайғамбарлик ёки Қуръон илми) беради. Кимга (мазкур) ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди. Бундан фақат оқил кишиларгина эслатма олурлар¹”.

¹ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт - матбаа бирлашмаси, 2004. – 2:269, – Б. 45.

Мазкур ояти карима Қуръони Каримнинг Бақара сурасида нозил қилинган бўлиб, грамматик ўрганилишининг асосий сабаби, оятда келтирилган “يَذَّكَّرُ” феълига тўхталиб ўтиш ва уни илмий таҳлил қилишдан иборатдир.

Шуниси аҳамиятлики, феълнинг мазкур “يَذَّكَّرُ” шакли ҳозирги замонавий араб грамматикасида берилган феъл бобларининг таснифида мавжуд эмас. Феълнинг бу янги шаклини араб, рус ва ўрта осийлик олимларнинг феъл боблари юзасидан берган фикрларини қийёслаган ҳолда кўриб чиқамиз.

Маълумки, феъллар ўзак сони бўйича 3 ўзакли ва 4 ўзакли феълларга бўлинади ва бу феъллар ўзларининг ҳосила бобларига эгадирлар. Ҳозирги замонавий араб грамматикасида 3 ўзакли феълларнинг 15 та боблари ва 4 ўзакли феълларнинг 4 та боби мавжуд бўлиб, улар қабул қилинган Рим рақамлари кетма-кетлигида берилган. Ўрта аср грамматистларининг феъл бобларига берган таснифларида фарқлар бордир. Бу борада Ўрта аср тасрифшунос олими Муҳаммад Муъиззининг феълларнинг ўзақлари ва боблари хусусида ўзига хос таснифини келтириб ўтамыз:

«الفصل الثاني : اعلم أن ابواب ابنية الأفعال التي اعتبرها المحققون اثنان وعشرون بابا وهي اربعة مراتب».

“Иккинчи фасл: Шуни биламанки, олимлар эътиборга олган феълларнинг ясалиш боблари 22 та бўлиб, у 4 босқичдир²”

Бу таърифда берилган 22 та феъл боблари ҳозирги замон араб грамматикасидаги тасниф билан фарқ қилмоқда. Ўрта аср олимлари 3 ўзакли мужаррад феълларнинг 6 та бобини; 3 ўзакли мазийд феълларнинг 12 та бобини; 4 ўзакли мужаррад феълларнинг 1 та бобини ва 4 ўзакли мазийд феълларнинг 3 та бобларини бериб ўтганлар. Ишимиздаги “يَفْعَلُ” қолипи эса, бу феъл боблари таснифида кўрсатилмаган.

“رَكَذِي” феъл шаклининг асл ўзаги “رَكَذِي” ўзаги бўлиб, қомус китобларда унинг I, II, III, IV, V, VI, VIII, X боб шакллари берилган³.

Бу феълнинг ҳосила боблардаги маъноларига эътибор берсак, оятдаги “эслатма

² المعزى. تصريف الأفعال. بخارى. دار السلطنة، 1324، ص 145.

³ لويس معلوف. المنجد في اللغة. مؤسسه انتشارات دار العلم. أول، 1382. ص. 236.

олурлар” маъноси “эсламоқ⁴” маъносида бўлиб, у I, V, VIII ва X боб маъноларига мос келади. Шакл жиҳатидан назар ташласак, “يَذْكُرُ” феъл шакли V ва VIII феъл боб шаклларига яқин эканлиги кўриниб турибди. Бу ҳақида рус олими Б.М. Гранде ҳам куйидаги фикрларни билдиради: “Миср шеvasидан бир нечта мисолларни келтириб ўтамыз: (تَخْرَجُ: تَخْرَجُ билан бир қаторда) дистиллашмоқ تَخْرَجُ, (يَنْجِبُ: يَنْجِبُ билан бир қаторда) инжирлашмоқ; (يُجَرِّدُ: يُجَرِّدُ мужжаррад бўлмоқ; (يُجَرِّدُ мужжаррад қилмоқдан; (يُخْرِقُ: يُخْرِقُ бўлақларга бўлинган бўлмоқ; (يُخْرِقُ бўлиб ташламоқдан. Бу мисоллардаги пассив-қайтувчи маънодаги ўзаклар *it* -, префикс ёрдамида ясалган, шу билан бир қаторда *ta*-, префиксли шакллари ҳам ишлатилади. Бу ерда фақатгина фонетик кўриниш эмас, оддий бўлмаган метатеза бўлиб, бундан кўриниб турибдики, префиксдаги унли товуш *i*-; ҳисобланади; *ta*-, префиксидаги *a* унлиси эмас. Шу жиҳатдан бу – интенсив (II боб)дан қайтувчи ўзакнинг янги моделидир. Шунингдек бу модел префикс ёки биринчи ўзакдан сўнг унли бўлмаганлар, балки бошида (VII, VIII боблар)нинг протетик товушига эга бўлган моделлар каби ясалган⁵. Бу мисолларда *it* -, префикси билан бир қаторда *ta*-, префикси ишлатилган, II бобдан, яъни ўтимли маънодан пассив – қайтувчанлик маъносида шаклланганлиги ва бунда асосий унли товуш *it* -, префиксдаги *i*-; ни айтиб ўтганини кўриш мумкин.

Унинг фикрига ойдинлик киритадиган бўлсак, бу феълнинг янги модели интенсив II бобдан қайтиш ва VII, VIII боблардаги каби ўхшаш *i*-; унли товушига далолат бермоқда.

“يَذْكُرُ” феъли ҳам юқоридаги мисоллар каби бўлиб, лекин олимнинг фикрларидан фарқ қилади. Яъни, бу модел келиб чиқиши бўйича префикс

ёки биринчи ўзакдан сўнг унли товуш мавжуд бўлмаган ва боши VII, VIII бобларнинг товушига ўхшаш бўлган моделдан ҳосил бўлган деб, айтган

фикри унчалик ҳам мос келмайди. Чунки VII ёки VIII бобларнинг ўтган замон префикс қўшимчаларининг илк товуши тўғри келиши

мумкин, аммо ҳозирги-келаси замон 2-ўзак ҳаракатлари мос келмайди. Кўпроқ V боб шаклига мос келади, яъни «يَذْكُرُ - تَذْكُرُ» бўлиб, 2-ўзак ҳарфнинг ҳаракати ҳозирги –келаси замон шаклида фатҳа билан келади. “يَذْكُرُ” феълида ҳам 2-ўзак фатҳа билан келмоқда. Бу фикр Қуръони Каримнинг Зумар сурасининг куйидаги ояти билан мустаҳкамланади:

«أَمَّنْ هُوَ قَانِثٌ ءَانَاءَ لَيْلٍ سَاجِدًا وَقَائِمًا يَخْذَرُ
الْآخِرَةَ وَيَرْجُوا رَحْمَةً رَبِّهِ قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ
وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولُو الْأَلْبَابِ»

“Ёки кечалари сажда қилган ва тик турган ҳолда ибодат қилувчи, охиратдан кўрқадиган ва Парвардигорининг раҳматидан умид қиладиган киши (билан бошқалар баробарми?!) Айтинг: “Биладиганлар билан билмайдиган тенг бўлурми?!” Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар”.

Мазкур оятда берилган “يَذْكُرُ” феъли V бобда бўлиб, биринчи оят мисолида келтирилган “يَذْكُرُ” феъл шакли билан маъно жиҳатидан бир хил, яъни икки оятда ҳам Бақара ва Зумар сураларининг оятларида “фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар” деб таржима қилинган. Фарқи феълнинг икки хил бобларида ифодаланганлигидадир. Биринчи ўзак “ذ” ҳарфининг ташдидланиши эса, *t*- товушининг биринчи ундош билан ассимиляция қоидаси содир бўлганлигидандир. Бу ҳақида Гранде шундай дейди: “Бу ҳолатни биринчи ўзак *s, z* ёки *d* ва бошқа товушлардан иборат бўлган ўзакларда кўриш мумкин. Бундай ҳолатда биринчи ундош билан *t* товушининг ассимиляцияси содир бўлади, натижада геминацияланган ундош юзага келади ва кўпинча бундай геминация талаффузда йўқолади. Масалан:

شُرَيْت (تَرَيْت) шунингдек (تَرَيْت) ёғланган бўлмоқ

رَيْت (تَصْنَف) тузилган бўлмоқ ;

رَيْت (تَطْبَق) татбиқ қилинмоқ ,

رَيْت татбиқ қилмоқдан;

رَيْت ёпинмоқ, беркинмоқ II боб

رَيْت (تَشْرَب) тўйинган бўлмоқ

⁴ Баранов Х.К. Арабско-русский словарь: около 42000 слов. Т. I. – Т.: «Камалак», 1994. С 246.

⁵ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно – историческом освещении. 2-е изд. – М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2001. С. 143.

⁶ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт - матбаа бирлашмаси, 2004. – 39:9, 459-Б

Берилган бу қоидага мувофиқ “يَذْكُرُ” феълини кўйсак, “يَذْكُرُ” шаклида, *t* - товушининг биринчи ундош билан ассимиляцияси содир бўлиб, биринчи ундошда геминация ҳосил бўлиши натижасида “يَذْكُرُ” шаклида ясаилиши керак эди. Шуни таъкидлаш жоизки, берилган мисоллар ичида V боб билан маъно жиҳатидан тўлиқ мос келадиган феъл шакллари берилмоқда. Биз таҳлил қилаётган “يَذْكُرُ” феъл қолипи ўтган замон шаклида эмас, балки ҳозирги – келаси замон шаклидадир.

Юқорида берилган фикрларга хулоса қилиб айтсак, “يَذْكُرُ” феъл шакли араб грамматикасидаги V боб феъл қолипи билан маъно жиҳатидан ва ҳозирги – келаси замон шаклидаги 2-ўзакнинг ҳаракатлари тўғри келиши жиҳатидан ҳам мос келади. Мазкур феъл шаклига префикснинг кўйилиши ҳақида Гранденинг фикрларини келтириб ўтамыз:

“Замонавий араб шевалярини ўрганишда шу нарса намоеъ бўладики, бу префикслар ёки уларнинг комбинациялари ёрдамида шеваляда янги ўзаклар ривожланган бўлиб, бу нарса мумтоз араб тилида учрамайди. Миср шевасидан бир нечта мисолларни келтириб ўтамыз: *إِنْخَرَجَ* (تَخَرَجَ) билан бир қаторда) дистиллашмоқ *خَرَجَ* дан”⁷.

Бунда олим тилдаги “*t*” ва “*n*” префикслари билан замонавий араб диалектларида (лаҳжаларда) янги шакллар ривожланганлигини ва бу шакллар мумтоз бадий араб тилида мавжуд эмаслигини билдириб ўтади.

Феълнинг бу шакли мумтоз араб тилида мавжуд эмаслиги ҳақидаги юқоридаги фикрларини биров нотўғри эканлигини кўриш мумкин, чунки замонавий араб лаҳжаларида мавжуд бўлган феълнинг бу шакли ҳақида 15 аср аввал Қуръони Каримда баён қилинганлигини оят мисолида кўрилди. Шу ўринда “يَفْعَلُ” вазнининг хусусияти ва вазифаси нимада эканлигига тўхталадиган бўлсак, ҳар бир феъл ҳосила бобларининг вазифалари бўлгани каби унинг ҳам ўзига хос хусусияти мавжуддир. Бу вазнда келган феъл “давомийлик, доимийлик” маъносидаги иш-ҳаракатни ифодалашини кўриш мумкин. Бунга мисол қилиб юқорида келтирилган “يَذْكُرُ”

– эслатма олуларлар” яъни, эслатма доимо давом этилишига далолат бераётганини ифодалаяпти. Изланишлар шуни кўрсатяптики, “يَفْعَلُ” вазнини биргина Бақара сурасида эмас, балки бошқа сураларда ҳам учратиш мумкин. Бу эса албатта вазнининг ишлатилишига оид хусусиятларини, вазифаларини ҳам намоеъ қилади. Бу феъл шаклини Қуръони Каримнинг “Соффот” сурасида ҳам кўриш мумкин.

«لَا يَسْمَعُونَ إِلَى الْمَلَأِ الْأَعْلَى وَيُقَذِّفُونَ مِنْ كُلِّ

جَانِبٍ»

“У (жин)лар олий мавжудот бўлмиш (фаришталар сўзлари)ни эшита олмаслар, уларга ҳар томондан (юлдузлар) отилур”⁸

Бу оятда келтирилган “لَا يَسْمَعُونَ” яъни “эшита олмаслар” феъли берилган бўлиб, иш-ҳаракатни доимий ва давомий бўлишига далолат қилмоқда. Бу эса мазкур “يَفْعَلُ” вазнининг яна бир бор ўзига хос муҳим вазифасини кўрсатади. Араб грамматикасида сарф жуда мураккаб бўлиб, маъно жиҳатидан барча феъл бобларининг ишлатилиш ўрнининг мавжуд эканлиги ва бу вазнининг ҳам иш-ҳаракатни ифодалашда янгича ифодаси намоеъ бўлганлигини кўриш мумкин.

Юқорида берилган фикрлардан хулоса қилсак, “يَفْعَلُ” феъл шакли араб грамматикасидаги барча феъл боблари каби ўзининг шаклига эга бўлган мустақил, алоҳида феъл бобининг янги модели ҳисобланади. Иш-ҳаракатнинг давомийлиги ва доимийлигини англатиши билан бир қаторда бошқа вазифаларда ҳам келиши мумкинлигини, унинг масдар ва сифатдошларини, ўтган замон шакллари келгуси илмий изланишларимизда янада кенгрок ёритишга ҳаракат қиламыз. Албатта юқорида келтирилган мазкур феъл қолипнинг фақатгина ҳозирги-келаси замон шакли билан мисолларда чегараланиб қолинмайди. Араб тилини ўқитишда “يَفْعَلُ” феъл вазнининг бошқа феъл боблари билан бир қаторда ўрганиш ва амалда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, ёш кадрлар учун тайёрланадиган араб тилини ўқитишдаги ўқув қўлланмаларга мазкур вазнини ҳам киритиш муҳим ҳисобланади.

⁷ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно – историческом освещении. 2-е изд., репринтное. – М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2001. С.143.

⁸ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт - матбаа бирлашмаси, 2004. – 37:8, 446-Б.